

"Қамчик" довонида автотранспорт воситалари ҳаракати тикланади.



А-373 "М-39 Гулистон-Бўка- Ангрен- Қўқон-Андижон орқали-Ўш" автомобиль йўлиниң "Қамчик" довонидан ўтган 185-285 (108-208) километр қисмларида Ўзбекистон Гидрометрология хизмати марказининг 28-сонли буйругига кўра, 2020 йилнинг 28 ноябрь соат 8:00 дан кучли шамол ва кор кўчкиси хавфи бўлганлиги сабабли автотранспорт воситаларининг ҳаракати вактинча тўхтатилган эди.



Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги "Қамчиқавтойўл" ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ишчи-ходимлари томонидан "Қамчик" довонининг 185-285 (108-208) километр қисмларида тезкорлик билан йўл тозалаш ишлари амалга оширилди. Автотранспорт воситаларининг ҳаракати учун тайёр ҳолга келтирилди.





Ўзбекистон Гидрометрология хизмати марказининг 2020 йил 28 ноябрдаги 29-сонли буйруғига биноан, яъни, кучли шамол ва қор кўчкиси хавфининг камайганлиги боис, А-373 "М-39 Гулистон-Бўка- Ангрен- Кўқон-Андижон орқали-Ўш" автомобиль йўлининг "Қамчик" довонидан ўтган 185-285 (108-208) километр қисмларида 2020 йил 28 ноябрь куни соат 11:30 да автотранспорт ҳаракати йўлга қўйилади.

Автомобиль йўллари кўмитаси

матбуот хизмати